

# СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ШАРТНОМА № 31

«28» сентябр 2022 й.

Урганч шаҳри.

“REAL METAN” хусусий корхонаси номидан корхона Низоми асосида иш олиб борувчи корхона раҳбари Ғ.Кенжаев, бундан кейинги ўринларда “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб юритилади, ҳамда А.Алиев мурасим АБК И номидан Низоми асосида иш олиб борувчи И. Раҳмонов бундан кейинги ўринларда “СОТИБ ОЛУВЧИ” деб юритилади, иккинчи томондан қуйидаги шартномани шу мазмунда туздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” “СОТИБ ОЛУВЧИ”нинг хизмат автотранспорт воситасига газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) орқали сиқилган газни етказиб беради, “СОТИБ ОЛУВЧИ” мазкур шартнома бўйича  $m^3$  сиқилган табиий газ қабул қилади, жумладан чораклар бўйича:

№	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Жами 2022 йил учун жами ҳажм	Жумладан чораклар бўйича			
				I	II	III	IV
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	Сиқилган табиий газ	$m^3$	691	691	—	—	—

1.2. Маҳсулот етказиб бериш - қабул қилиш, “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”нинг жойлашган автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ) орқали “СОТИБ ОЛУВЧИ”нинг автомобили метан газ балонларига метан газ тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

1.3. Маҳсулот етказиб бериш вақти «СОТИБ ОЛУВЧИ»нинг автомобили метан газ балонларига газ тўлдириш вақти ҳисобланади.

## 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБИ

2.1. Автомобилнинг газ балонига тўлдирилатган сиқилган газнинг шартнома тузиш вақтидаги нархи ҳар 1 (бир)  $m^3$  учун 2 600,00 (икки минг олти юз) сўмдан (барча турдаги солиқлар қўшилган ҳолда) етказиб берилади. Шартноманинг умумий суммаси 1 396 600 (бир миллион етти юз тўқсон олти минг оқтин юз) сўмни ташкил қилади.

2.2. Ҳом ашё маҳсулотлари (табиий газ, электр-энергия)ни нархлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда солиқ нормалар ўзгарганда, сиқилган газ нархи “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” томонидан ўзгартирилади. Сиқилган газ нархининг ўзгариши ёки шартноманинг бошқа бандларига киритиладиган ўзгартиришлар шартномага қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади.

2.3. Маҳсулотни етказиб бериш (автомобилни газ балонига газ тўлдириш) мазкур шартноманинг умумий қийматини 30% ини “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ”нинг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказиб берилгандан кейин амалга оширилади.

2.4. Агар “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” ҳамда “СОТИБ ОЛУВЧИ” ўртасида шартнома кейинги йил учун тузилса, жорий шартнома бўйича келиб тушган маблағларнинг қолдиқ суммаси йил учун тузилган шартнома бўйича олдиндан тўлов ҳисобида ҳисобга олинади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “СОТИБ ОЛУВЧИ” автомобилнинг техник ҳолатига, иш вақтидаги техник хавфсизлигига, автомобил газ балонининг ишга яроқлилик муддатига ҳамда ёнғин ва экология хавфсизлигига жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. “СОТИБ ОЛУВЧИ” қуйидагиларга мажбур:

1. Техника хавфсизлигига, сиқилган табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва амалдаги тартибларига, автомобилга балонининг ишга яроқлигига ҳамда амалдаги қоидаларнинг бажарилишига;
2. Автомобил эҳтиёт қисмларини ва газ балонни ишга яроқли ҳолдасаклаш, яроқлилик муддати ўтганга балонли автомашинани АГТКШ га киришини олдини олиш ва газ балонларини ишга яроқлилик синовини ўз вақтида ўтказишга;
3. Йўл варақасига автомобилни техник соғлиги, автомобилдаги газ балонининг сони ва унинг геометрик сифими ҳақида белгиларни белгилашга;
4. Белгиланган тартибда автомобил газ балонига газ тўлдириш учун рухсатнома олишга.

3.3. Ишлаб чиқаришда “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТКШ)да компрессор ускуналари ва бошқа газ тўлдириш асбоб ускуналарини жорий ёки капитал таъмирланган тақдирда «СОТИБ ОЛУВЧИ» га жорий таъмир бошланишидан 3 кун ҳамда капитал таъмир бошланишидан 15 кун аввал огоҳлантиради.

3.4. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” агарда “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан белгиланган қоидалар, газ балон тўлдириш регламенти ва шартномада белгиланган шартлар бажарилмаган тақдирда, автомобилни сиқилган табиий газ билан таъминлаш тўхтатилади.

#### 4. ҲИСОБ КИТОБ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ

4.1. “СОТИБ ОЛУВЧИ” га берилган сиқилган табиий газнинг микдори “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” нинг ўлчов воситаси орқали, яъни электрон газ тўлдириш калонкалари орқали ҳисобланади. “СОТИБ ОЛУВЧИ” нинг автомобилига сиқилган газ билан таъминлаш автомобилга газ тўлдириш компрессор шахобчаси (АГТҚШ) да Давлат стандартлари асосида тасдиқланган регламентлар асосида (Регламент №418 13.01.95й) юритилади.

4.2 “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан қуйилган сиқилган газ “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” томонидан «Сиқилган газ тарқатиш қайдномаси» орқали бир хил рақамдаги қайднома орқали икки нусхада юритилади ҳамда “СОТИБ ОЛУВЧИ” нинг автомобил хайдовчилари томонидан ҳар бир автомобилга қуйилган сиқилган газ микдори ва суммаси имзо билан тасдиқланиб, ҳисобот ой якунида ҳисобварақ фактура орқали ҳисоб китоб қилинади.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Ушбу шартномада белгилангандан микдордадан ортиқча олинадиган сиқилган табиий газ учун қўшимча келишув орқали амалга оширилади. Агарда “СОТИБ ОЛУВЧИ” томонидан олинган табиий газ учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаган тақдирда, ўз вақтида тўлаб берилмаган суммадан ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.2. Томонлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги бўйича моддий жавобгардирлар.

#### 6. ФОРС МАЖОР

6.1. “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” ва “СОТИБ ОЛУВЧИ” қуйидаги ҳолларда моддий жавобгарлик учун жавоб бермайдилар:

1. Магистрал газ трубаларда, шаҳар газ тармоғида ва электр энергия тармоғида авария ҳолатлари бўлган тақдирда олдиндан огоҳлантира олмаганлиги сабабли;

2. Ёнгин чиққанда, ер кимираши, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар рўй берганда.

#### 7. ШАРТНОМАНING АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома ҳар икки тараф томонидан имзолагандан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлиб 1 нусхаси “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” да 2 чи нусхаси “СОТИБ ОЛУВЧИ” да бўлади.

7.3. Ушбу шартнома бўйича юзага келган низоларни томонлар ўзаро хал эта олмаган тақдирда Ўзбекистан Республикаси белгиланган қонунлари асосида Иқтисодий суди орқали хал этилади.

#### 8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.

##### ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ:

##### “REAL METAN” ХК

Манзили: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хива кўчаси, 1/1 уй  
Тел.: (97) 511-11-81  
Х/р: 20208000304947516001  
ДТ “Халқ банки” Қоровул филиали  
Банк коди: 00817  
СТИР: 302149413  
ИФУТ: 47300

##### БУЮРТМАЧИ:

*Ҳасан тўқсанов*  
*Ҳасан тўқсанов*  
Манзили: *Донишқўр йўли*  
*88-үй*  
Тел.: *22-06-02-71*  
Х/р: *100022860332178109120141001.*  
СТИР: *200414301* ИФУТ: *97600*



*Ф.Кенжаев*



*Рахбар*

*И. Мухаммадиев*

*3. Саидиқов*



Yundik shaxs (tadbirkorlik subyekti) davlat ro'yxatidan o'lkazilganligi to'g'risida

**GUVONNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat ro'yxatiga

"REAL METAN" Xususiy korxonaga

(Tashkilotning nomini, tashkilotning faoliyatini ta'riflovchi ma'lumotni, tashkilotning tashkilot turi va boshqa ma'lumotni ko'rsatib berish)

"REAL METAN" XK

(Yundik shaxsning qo'zgatirgan ekanligi)

Tashkilotni tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'lkazish ma'lumotlarini o'zgartirish  
 06.12.2011 981 ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana o'zgarishi bilan)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR): 302149413

Tashkilotning nomi

Xususiy korxonaga

shakli

Joylashgan joyi:

Xorazm viloyati, Urganch shahri, Xiva kunchasi 1/1-uy,

Qurilgan

Xorazm viloyati, Urganch shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'lkazuvchi organing baliq nomi)



Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси "Узнефтвазинспекция"

**ЛИЦЕНЗИЯ**

АС № 0373

Маъмур лицензия билан

"REAL METAN"

(лицензия берилган субъектнинг номи) хусусий корхонаси

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хива кўчасида жойлашган \_\_\_\_\_ га

АТҚШ орқали сикилган табиини газни сотиш \_\_\_\_\_ билан

(лицензия берилган субъектнинг номи)

шугуланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Хоразм вилояти,

Урганч шаҳри, Хива кўчаси, 1/1-уй

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи

сифатидаги идентификация рақами: 302 149 413

Лицензия берилган сана: 2019 й. 24 октябрь

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 727

Ваколатли шахс: Н. Агаамов

(исمни, фамилия, фамилияси)

М.У.

*Агаамов*  
(ИМЗО)

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_ (исمни, фамилия, фамилияси)

М.У.

Лицензиянинг амал қилиш муддати \_\_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ гача узайтирилди.

Ваколатли шахс: \_\_\_\_\_ (исمни, фамилия, фамилияси)

М.У.